

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИНИ
МЕЛИОРАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

**MAIN DIRECTIONS OF LANDSCAPE IMPROVEMENT OF FERGANA
REGION.**

*Абдурахмонов Дилмуроджон Махманазарович
Фарғона давлат университети ўқитувчиси*

*Abdurakhmanov Dilmurodjon Makhmanazarovich
Teacher of Fergana State University*

Аннотация: Ушбу мақолада ландшафтларни мелиорациялашнинг асосий йўналишлари Фарғона вилояти ландшафтлари мисолида кўрсатиб берилган. Ландшафтларнинг мелиоратив ҳолатига таъсир этувчи омиллар ичида геоморфологик, гидрогеологик, гидрологик ва иқлимий омилларни таъсири ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги илмий асосланган.

Annotation: In this article, the main directions of landscape reclamation are shown on the example of landscapes of Fergana region. The effects of geomorphological, hydrogeological, hydrological and climatic factors and their interrelationship among the factors affecting the melioration of landscapes are scientifically based.

Калит сўзлар: Ландшафтларнинг экологик потенциали, Мелиоратив баҳолаш, морфологик тузилмалар, гипсометрик чегаралар, Суғориш мелиорацияси, эрозион-денудацион генезисли, гидроморф ландшафтлар.

Key words: Ecological potential of landscapes, Reclamation assessment, morphological structures, hypsometric limits, Irrigation reclamation, erosion-denudation genesis, hydromorphic landscapes.

Кириш. Ландшафтларнинг экологик мелиоратив потенциали деганда шу ландшафтларга хос бўлган етакчи экологик омил сифатида келувчи хусусиятлари тушунилади. Ландшафтларнинг экологик потенциалини аниқлашда унинг морфологик бирликларини эгаллаган майдони рельеф характери, литологик таркиби, тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари, намланиш режими, сизот сувларининг чуқурлиги ва тупроқнинг шўрланиш даражаси, ўсимлик тури ва биологик махсулдорлиги каби омиллар муҳимдир. Шунга кўра мелиоратив баҳолашда ландшафт ёндашув муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг картографик асосини ландшафт картаси ташкил этади. Асосий таксаномик бирликлар сифатида жой типи, урочише ва фацияларни ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар таҳлили; Ландшафтларни мелиоратив баҳолаш йўналишидаги илмий тадқиқотлар мажмуали ва компонентли йўналишларида олиб борилди .

Жумладан, Ғ.Юлдашев[1993]нинг Арид зоналар ландшафтларини мелиорациялаш (Фарғона водийси мисолида) мавзусидаги докторлик дицертациясида атмосфера хавоси, ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ ва ўсимлик қопламида кимёвий элементларнинг миграцияси, унинг мелиоратив ҳолатга таъсири масалалари тадқиқ этилган. А.Абулқосимов ва О.Қўзибоевалар томонидан Сўх конуссимон ёйилмаси ландшафтларини мелиоратив баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Суғориш мелиорациясининг конуссимон ёйилма ландшафтларига таъсири уларнинг ижобий ва салбий кўринишлари, мелиорация таъсирида ландшафтларнинг ўзгариши тадқиқ этилиб мелиоратив жиҳатдан баҳоланган [81-1096].Ландшафтларга экологик мелиоратив баҳо беришда О.Г.Лопатовская ни фақат тупроқда ўсимликлар учун зарарли бўлган махсулотларни тўпланишини тупроқлар учун эмас балки элементар ландшафтларни бошқа компонентларига ҳам таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарур дейди. [175-1776].

Натижалар ва муҳокамаси; Ландшафтларни мелиоратив баҳолашни вилоят кўламида амалга оширилмаганлигини ҳисобга олиб тадқиқот

ишларимизда ландшафт-мелиоратив тадқиқотларни амалга оширдик. Айтиш жоизки, ҳар қандай ҳудуднинг ландшафт мелиоратив ҳолатини шакилланишида табиӣ ва антропоген омилларнинг аҳамияти каттадир. Айниқса вилоятнинг географик жойлашуви, геологик тузилиши, рельефи, иқлимий шароити, сув манбалари, суғориш режими, ҳудуднинг гидрологик ҳолати, тупроқлари, ўсимлик қоплами мелиоратив омил сифатида иштирок этади.

Ландшафтларнинг экологик мелиоратив потенциали деганда шу ландшафтларга хос бўлган етакчи экологик омил сифатида келувчи хусусиятлари тушунилади. Ландшафтларнинг экологик потенциалини аниқлашда унинг морфологик бирликларини эгаллаган майдони рельеф характери, литологик таркиби, тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари, намланиш режими, сизот сувларининг чуқурлиги ва тупроқнинг шўрланиш даражаси, ўсимлик тури ва биологик маҳсулдорлиги каби омиллар муҳимдир.

Тадқиқотимизда Фарғона вилояти ландшафтларининг морфолитоген асосини мелиоратив баҳолашни амалга оширдик. (1-жадвалга қаралсин).

(1-жадвал)

Фарғона вилояти ландшафтларнинг морфолитоген асосини мелиоратив баҳолаш.

л-т т- би	Ландшафтлар нинг номи (жой тип қўламида)	Эгалла ган майдон метр. гек	Гипсоте трик ҳолати . м.	Қиял ик дара жаси град ус	Литологик таркиби	Мајдал анганли к коэффе нти	Мелиоратив йўналиши
1	Эрозион- денудацион кучли парчаланган ўрта	17288, 1	1500- 2500	26-36	Гранит сланец оҳактош, кумтош	0,832	Арчазорларни сақлаш ва қўпайтириш

	тоғларнинг тик ёнбағирлари						
2	Тектоник эрозион денудацион кучли парчаланган рельефли паст тоғлар	5762,7	1500- 2500	16-26	Охактош конгломера тли кучли цементлашг ан жинслар	1,075	Арчазорлар ва бута дарахтларини (зирк , дўлана) сақлаб қолиш
3	Тектоник эрозион денудацион кучли парчаланган ва емирилган рельефли паст тоғлар	8644,0 5	800- 1000	11-15	Охактош конгломера т, кизил ва сарик рангли палеоген глиналари	1,85	Фитомелиораци яни амалга ошириш, чорва молларни боқишни тартибга солиш
4	Эрозион, эрозион- аккумулятив террасали паст тоғлар	7491,5 1	1000- 1500	15-20	Охактош, кумтош, конгломера тли жинслар	1,361	Фитомелиораци яни амалга ошириш, табиий ўсимликларни сақлаб қолиш
5	Аралаш шағалли, кумоқли глинали, қия рельефли аккумулятив адир олди текисликлар	28813, 5	500-550	3-5	Шағал глина кумоқ жинслар	2,082	Боғлар ва токзорлар ташқил этиш
6	Эрозион- денудацион ўртача ва кучли	92203, 2	800- 1000	15-20	Шағал, лёсс суглинка алевролитл	1,086	Боғлар ва токзорлар ташқил этиш қурилиш

	парчаланган баланд адирлар				и жинслар		карьерларини назорат қилиш
7	Эрозион- денудацион кучли парчаланган ясси ва паст адирлар	5762,7	500-600	5-10	Шағал, лёсс, алевролит суглинкали жинслар	1,249	Мевали боғлар ташқил этиш
8	Кучсиз парчаланган адирлараро ва адирорти чўкмалари	92203,2	400-500	0-1, 1.1	Шағалли, суглинкали лёссимон жинслар	0,221	Суғоришни тартибга солиш
9	Акумулятив рельеф кенг тарқалган Сирдарёнинг юқори террасаларид аги дўнг ва марза қумли пастқам текисликлар	184384	350-400	0-1	Қум-қумоқ глиналар	0,705	Қумликларни сақлаб қолиш, фитомелиоратив муҳофаза худудларини кенгайтириш
10	Конуссимон ёйилмалар ва улар орасидаги пролювиал альювиал аккумулятив текисликлар	58779,5 4	350-450	0-1. 1-3	Гилли, қумоқ, қумлоқ жинслар	0,350	Шўрланиш ва ботқоқланишни олдини олиш, биологик махсулдорликни ошириш
11	Шўрсув, Сўх дарёларининг конуссимон	8644,05	450-500	1,1-3	Тошли, шағалли глинали	1,85	Фитомелиоратив тадбирларни

	ёйилмалари юқори ва ўрта қисмлари, курук дельталар				жинслар		кенгайтириш
12	Марказий Фарғонанинг эррозион аккумулятив рельефли қадимий ўзан ва юқори террасаларин инг пастқам текисликлари	132542, 1	300-400	0-1- 1,1	Қум, қумоқ глина жинслар	0,739	Суғоришни тартибга солиш, шўрланиш ва ботқоқланишга қарши тадбирлар олиб бориш
13	Қадимги кўл- қолдиқ пастқам рельефли аккумулятив берк котловиналар	21070,8	300-400	0,1,0, 5	Қум, қумоқ глина жинслар	0,968	Шўрланиш ва ботқоқланишга қарши курашиш
14	Сирдарёнинг чап сохил қайир ва қайир усти террасаларин инг пастқам текисликлари	23050,8	300-360	0,01- 0,1	Қум лойқа глина	0,893	Дарахтзорлар химоя поласалари ташкил этиш, дарё суви оқимини тартибга солиш

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Фарғона вилояти худудида жойлашган ландшафтларнинг морфолитоген асосини мелиоратив баҳолашда ландшафтларнинг бўлинганлик даражасини аниқлашда Шенон (1948) формуласидан фойдаландик.

Унга кўра.
 $Kgp = n/s$ бу ерда: Kgp -бўлинганлик даражаси

n -контурлар сони

s -умумий майдон

Фарғона вилояти жой типини кўламида ажратилган контурлар сони 14 та бўлиб уни умумий майдонга нисбатан аниқладик:

$\frac{14}{68000} = 2,05$ демак вилоят худудида бўлинганлик даражаси 2,05 га тенг.

Ландшафтларнинг майдаланганлик коэффицентини аниқлашда қуйдаги формуладан фойдаландик.

$Kp = \frac{L}{2,05\sqrt{S}}$ бу ерда: L -жой типининг чегара узунлиги

S -жой типининг майдони

Юқоридаги формула орқали Фарғона вилояти худудида ажратилган 14та жой типларини ҳар бирини майдаланганлик коэффицентини аниқладик. Масалан эрозион-денудацион кучли парчаланган ўрта тоғларнинг тик ёнбағрлари жой типини: $\frac{14400}{17288,1} = 0,832$ майдаланганлик коэффицентига эга.

Фарғона вилояти ландшафтларини жой типини кўламида типологик табақаланиши ландшафт мелиоратив ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу типологик даража мелиоратив нуқтаи – назардан ландшафт (ландшафт-ер) фондини аниқлашда муҳим критерия ҳисобланади.

Шунга асосан жой типлари мезорельефдаги жойлашган ўрни, литологик таркиби, антропоген трансформация даражасига кўра баҳоланди.

Фарғона вилояти ландшафтларини жой типни кўламида типологик табақаланиши ландшафт мелиоратив ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ушбу типологик даража мелиоратив нуқтаи – назардан ландшафт (ландшафт-ер) фондини аниқлашда муҳим критерия ҳисобланади. Шунга асосан жой типлари мезорельефдаги жойлашган ўрни, литологик таркиби, антропоген трансформация даражасига кўра баҳоланди.

Фарғона вилояти ландшафтларини мелиоратив баҳолашда биринчи босқичда жой типларининг эгаллаган майдони вилоят ҳудудининг умумий кўрсаткичига нисбатан аниқланди. Бунда шафоф қоғозда 1см² ли катакчалар ҳосил қилиниб ҳар бир жой типини нечта катакка мос келишуви ҳар бир катакнинг майдони аниқланди, ҳар бир катакнинг майдони 5762,7 га.ни ташкил этди. Шундай қилиб жой типлари эгаллаган майдон уни ташкил қилган катакчаларни 1та катакча сонига кўпайтириш орқали аниқланди. Тадқиқотларимизга кўра қиялиги 15-20⁰ дан катта баландлиги 1500 м.дан юқори бўлган (2,3,4) жой типлари табиий кўринишидаги (эрозия, денудация, гравитация) жараёнлар мелиоратив режимни белгилаб беради. Кейинги тартибда жойлашган (5,6,7,8) жой типлари адирлар, адирлараро ва адир этаги қияликларини ташкил этиб инсон хўжалик фаолияти адирларни ўзлаштириш, суғориш, рекреация ҳудудлари, баҳорги яйлов сифатида фойдаланиш, боғ ва узумзорлар ташкил этиш, қурилиш карерлари сифатида фойдаланиш, саноат ҳудудларини ташкил этиш сув объектлари қуриш каби инсон хўжалик фаолиятини турли йўналишлари адирларни ландшафт-мелиоратив ҳолатини кучли ўзгаришига олиб келмоқда.

Вилоят ҳудудининг иқлимий ҳолатига водийнинг ораграфик тузилиши ҳаво оқимларининг циркуляцияси ҳамда маҳаллий омиллар таъсир кўрсатади. Иқлимий хусусиятларига кўра тоғли, тоғолди қисимлари текисликлардан фарқ қилади. Шунга кўра 2хил иқлим: қуруқ ва жуда қуруқ типлари ажратилади. Вилоятнинг ғарбий ва Марказий Фарғонага қарашли

худудлари жуда куруқ бўлиб Селяниновнинг гидротермик коэффицентига кўра Қўқонда 0,08, Бешарикда 0,11 га тенг бўлса, куруқ иқлим типига жойлашган Фарғона шаҳрида 0,17, Кувада 0,18 га тенг. Намланиш коэффиценти 0,02дан 0,05ни ташкил этади [Р.Й.Холиқов, 2020. 50-58б]. Вилоятнинг ғарбида ёғин миқдори 85мм дан (Ультарма) шарққа томон ортиб бориб 200мм дан ортади. Ёғин сочиннинг йиллик миқдори 800-1000 м. баландликларда 500мм.га, 1800-2000м да 650-700 мм.га етади. Иқлимнинг куруқлиги вегетация даврида тупроқда намликнинг етишмаслигига сабаб бўлади ва бу эса сув танқислиги шароитида оғир мелиоратив шароитни юзага келтиради. Шунга кўра тупроқнинг сув режими ва намлиги энг муҳим экологик мелиоратив омил сифатида қаралади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ва тадқиқот натижаларимиздан келиб чиқиб Фарғона вилояти ландшафтларини мелиорациялаш ва муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абулқосимов А. Қўзибоева О. Сўх ёйилмаси ландшафтларини микроразлаштириш ва мелиоратив баҳолаш. монография. –Самарқанд, СаидУ нашри, 2009.- 81-109бет.
2. Глазовский Н.Ф. Эколого-геохимические проблемы орошаемого земледелия. // Достижения и перспективы. –М., 1987, вып. 57, №18. -С. 18-24.
3. Лопатовская О.Г. Принципы выделения почвенных эколого-мелиоративных комплексов (эмк) для целей мелиорации Бюллетень ВСНЦ. РАМН. 2007.№2154.с175-177.
4. Холиқов Р.Й., Абдурахмонов Д.М. Фарғона водийси парагенетик ландшафтларини морфологик табақаланишига таъси этувчи омиллар. Ўзбекистон География жамияти ахбороти 52 жилд 2018й 37-39б.